

Фикр дурдоналари (20-қисм)



16:04 / 28.03.2017 5109

101. Бир донишманддан сўралди:

- дўстларнинг энг яхшиси ким?

Донишманд жавоб берди:

- сендан бир яхшилик кўрса, ёядиган;

- сендан бир айб билса, яширадиган;

- дунё сенга кулганда, сенга ҳасад қилмаган;

- дунё сенга қовоғини солганда, сени тарк қилмаган кишидир.

102. Одамларнинг орасидаги хулқи энг ёмони – сендан ғазабланса, қилган яхшилигингни инкор қиладиган, сирингни ёядиган, дўстлигингни

унутадиган ва сен ҳақингда сенда йўқ нарсаларни гапирадиган (сени сенда йўқ айблар билан айблайдиган) кимсадир.

103. "Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллааҳ"ни доим айтиб юриш берк эшикларни очади, қийинчиликларни бартараф этади. Шундай экан, тилингни уни айтишдан бўшаштирмасанг, дунёда унинг самарасини, охиратда унинг улкан савобини топасан (кўрасан, етишасан).

104. Эй Аллоҳ! Эй ризқларни Тақсимловчи Зот! Онамга ва отамга Наъим жаннатингдан жой тақсимлаб бергин!

105. Бир-бирларига яхшилик тилаб дуо қиладиган қалблар – дунёнинг энг қиммат хазиналаридандир. Ё Аллоҳ! Сенинг розилигинг учун яхши кўрганларимни мағфират эт! Кунларини баракотли қил! Тилларини зикринг билан покла! Мени ва уларни жаннатингдан Энг олий Фирдавс билан ризқлантир!

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси